*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 54 (5147).
16 МАРТ ШАНБА
1974 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.

## БУХОРО ОБЛАСТЬ ҚИЗИЛҚУМИДА АЙЛАНМА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ҚУРУВЧИЛАРИГА, МОНТАЖЧИЛАРИГА, ЙЎЛНИ ИШЛАТУВЧИЛАРГА, ҚУРИЛИШ ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ЙЎЛНИ ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШДА ҚАТНАШГАН ҲАММА КИШИЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигига қарашли Бухородаги 10-йўл қурилиш бошқармаси, Навоий шаҳри корхоналари, лойиҳалаш институтлари коллективларини, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини меҳнатда эришилган ажойиб ғалаба — Қизилқумда энг катта автомобиль йўлининг биринчи навбати қуриб битказилганлиги ва муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги муносабати билан қизғин табриклайдилар.

Қурувчилар коллективлари жуда қисқа муддат ичида оғир шароитда, қийинчиликларни фидокорона бартараф этиб, катта ҳажмдаги ишларни бажардилар ҳамда қарийб 700 километр узунликдаги янги автомобиль йўли белгиланган муддатдан анча илгари фойдаланишга топширилди. Бу йил кўпгина қоракўлчилик

(Давоми тўртинчи бетда).



ОЛМАОТА. 1974 йил 15 март. Суратда қўриқ ерлар ўзлаштириш бошланганлигининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали мажлисда.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

# ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

## ҚЎРИҚ ЕРЛАР ЎЗЛАШТИРИЛА БОШЛАНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ОЛМАОТАДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришнинг қаҳрамонлик достони Ватанимизнинг тарихига, совет халқининг ажойиб зафарлари йилномасига абадий ёзилиб қолди. Илгари қақраб ётган ерларнинг қиёфаси партиянинг иродаси билан, совет кишиларининг фидокорона меҳнати билан тамомила ўзгарди. Бу ерларда совхозлар қад кўтарди, саноат корхоналари ва илмий марказлар барпо этилди, мамлакатнинг шарқидаги қўриқ районларда янги йирик ғалла кони вужудга келтирилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қўриқ ерларнинг ўзлаштирилишини совет халқининг буюк жасорати деб атади. Бу — совет кишилари қаҳрамонона меҳнатининг ёрқин саҳифаси, интернационализм руҳида тарбиялаш мактабидир.

Барча қардош халқлар билан биргаликда Қозоғистон ССР меҳнаткашлари ҳам бепоён қўриқ даштларни ўзлаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Қозоғистон ўтган йили мамлакатга бир миллиард пуддан ортиқ ғалла етказиб берди. Бунинг талайгина қисми қўриқ ерларнинг сахийлик билан берган неъматидир.

Қозоғистоннинг пойтахти Олмаота байрам либосида. 15 март куни Олмаотанинг Ленин номли саройида партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг Қозоғистондаги ишлаб чиқариш илғорлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштироки билан тантанали мажлиси бўлди. Бу мажлис қўриқ ерлар ўзлаштирилишининг 20 йиллигига бағишланди.

Мажлис аҳли **Л. И. Брежнев**, **А. А. Гречко**, **Д. А. Кунаев**, **В. В. Шчербицкий**, **П. М. Машеров**, **Ш. Р. Рашидов**, **Г. В. Романов**, **М. С. Соломенцев** ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб оладилар. Президиумда улар билан бир қаторда Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. И. Бодюл**, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Т. Усубалиев**, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ж. Расулов**, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Ғ. Ғапуров**, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. М. Тяжельников**, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси **Г. Э. Цуканов** ўтиришибди. Президиумда Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **С. Б. Ниёзбеков**, республика Министрлар Советининг Раиси **В. А. Ашимов**, республиканинг бошқа раҳбарлари ўлка ва область партия комитетларининг тантаналарга келган биринчи секретарлари бор эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Д. А. Кунаев** тантанали мажлисни очиб, нутк сўзлади.

Ҳозирги тантанали ва унутилмас бир пайтда қўриқ ерларнинг меҳнаткашларини табриклаганликлари, уларнинг меҳнатига юксак баҳо бериб, бизни янги муваффақиятларга илҳомлантирганликлари учун, деди нотиқ, барча чўлқуварлар номидан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига қизғин миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Вақтлар ўтар, аммо ўзининг энг яхши ўғил-қизларини бундан йигирма йил муқаддам қўриқ ва бўз ерларга юборган халқнинг хотирасида тилларда достон бўлиб қолган жасорат мангу яшайди.

Қозоғистоннинг бир ўзидагина қисқа вақт ичида асрлар бўйи қақраб ётган 25 миллион гектардан ортиқ ер ўзлаштирилди. Республика ўзининг бутун тарихида бундай миқёсларни илгари ҳеч қачон кўрмаган эди.

Қўриқ ерларга сарфланган куч ва маблағ жуда яхши самара берди. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг шарқида янги йирик дон ва чорвачилик базасини вужудга келтириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш, социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтириш имконияти туғилди.

Қозоғистон қўриқ ерлар ўзлаштирилишига қадар давлатга 70-80 миллион пуд дон сотар эди. Қўриқ ерлар ўзлаштирилиши ва КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорлари муваффақиятли амалга оширилганлиги туфайли ўтган беш йилликда дон етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми КПСС XXIV съезди Директиваларида беш йилликнинг охирига мўлжалланган даражадан ошиб кетди. Ҳозирги вақтда давлатга ҳар йили ўрта ҳисобда 943,7 миллион пуд дон сотилмоқда, гўшт, сут, жун тайёрлаш эса уч баравардан зиёд ортди ва айни вақтда мол туёғи кўпайди. Қўриқ ерлар ана шундай катта самара берди!

Нотиқ яна қуйидагиларни айтади: партиямиз ва давлатимизнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг тантаналаримизда ҳозир бўлганлиги бугун биз учун жуда шарафдир. Бизда ҳар бир киши Леонид Ильични астойдил иззат-ҳурмат қилади. Қозоғистонликлар шундай ҳурмат қилиш учун алоҳида ҳуқуқларга эгадирлар. Чўлқуварларнинг йил сайин шавқ-завқ бахш этаётган қаҳрамонлик достони, республикамизнинг йил сайин мавж уриб ўсаётганлиги буни яққол исбот этувчи далилдир.

Қўриқ ерлар ўзлаштирила бошланган унутилмас йилларда Леонид Ильич Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетига бошчилик қилди. Леонид Ильичнинг ўзи қўриқ ерларни ўзлаштириш учун нечоғли кўп куч-ғайрат ва меҳнат сарф қилганлигини яхши биламиз.

Шу кунларда партия комитетлари жуда кўп хат олмоқдалар. Бу хатларда ўтмиш тарихи тилга олинади. Қўриқ ерларни ўзлаштирган ветеранлар — партия ходимлари, унутилмас ўша йилларнинг донғи кетган механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўз хатларида Леонид Ильич билан учрашувлари ҳақида, унинг камтарлиги ва дилкашлиги ҳақида, меҳнат аҳлига чин кўнгилдан муносабатда бўлганлиги тўғрисида, унинг ўзига хос партиявий принципиаллик, талабчанлик ва тадбиркорлик, қолоқликка тоқат қилолмаслик каби ҳусусиятлари тўғрисида, буюк ташкилотчилик ва партия томонидан қўйилган ҳамма вазифаларни ҳал этишга чинакам ижодий ёндашганлиги тўғрисида зўр меҳр-муҳаббат ва самимият билан ёзадилар.

Ҳозир шулар тўғрисида фикр юритарканмиз, Владимир Ильич Лениннинг 1918 йил 30 январда ёзган хатининг мағзини чақиб кўрамиз. Владимир Ильич Ленин бу хатида Петроград Советига Шарқий Қозоғистонга жўнаб кетувчи биринчи чўлқуварларга ёрдам беришни, «тажрибали практик — ташкилотчини танлаб олиш»ни тавсия этган эди.

Леонид Ильич бизнинг республикамиз учун ҳақиқатан ҳам шундай тажрибали ташкилотчи бўлиб қолди. Леонид Ильичнинг буюк тажрибаси, чинакам большевикларга хос кенг миқёсда иш олиб борганлиги, халқни Марказий Комитет ва бутун партия теварагига жипслаштириш маҳорати мамлакатимиз меҳнаткашлари орасидагина эмас, чет элларда ҳам уни юксак ва муносиб обрўга сазовор қилди.

Леонид Ильич қўриқ ерларни ўзлаштириш учун кўп куч ва меҳнат сарф қилди. Қўриқ ерлар Совет Қозоғистонининг иккинчи номи бўлиб қолди.

Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши Қозоғистоннинг бепоён даштларига ҳаёт бағишлаш билан чекланиб қолмади. У бутун республиканинг қиёфасини тубдан ўзгартириб, унинг янги чўққилар сари жадал парвозини тезлаштириб ҳам юборди.

Қўриқ ерлар — ғалла конигина эмас. Қўриқ ерларда кўп тармоқли индустрия ҳам мавж уриб ўсмоқда. Бу ерларда неча ўнлаб янги замонавий шаҳарлар, неча юзлаб ишчи посёлкалари қад кўтарди, ноёб кон ва карьерлар, канал ва водоводлар вужудга келтирилди. Бу ерларда янги қурилишларнинг буюк манзарасини, ҳаётнинг ҳар бир соҳаси мисли кўрилмаган даражада юксалиб, равнақ топганлигини кўрамиз. Қўриқ ерларда ажойиб кадрлар етишди. Қўриқ ерлар замонамизнинг тўлқинлантирувчи манзараси. Келажагимизнинг зўр иштиёқ бахш этувчи истиқболларидан далолат беради.

Кенг кўламда кураш олиб бормай туриб ва ленинча миллий сиёсат ғалабаларисиз социалистик даврнинг тўлиқ портретини яратиш мумкин бўлмаганидек, қўриқ ерларни очмай ва ўзлаштирмай туриб ҳам, ана шу давр портретини яратиб бўлмайди ва яратиш мумкин эмас.

Д. А. Кунаев яна қуйидагиларни айтди: КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қўриқ ерларни очиш учун жуда кўп одам кучлари ва моддий ресурсларни сафарбар қилдилар.

Қўриқ ерлар ўзлаштира бошланган биринчи кунларданоқ ҳамма жойда сиёсий иш ва ташкилотчилик иши қизитиб юборилди. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, деб таъкидлади нотиқ, ана шу мураккаб ва кўп қиррали ишларнинг ҳаммасини Леонид Ильич Брежневнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширди. Қўриқ ерларнинг ветеранлари ҳозирги кунда ўзаро суҳбатлашганларида Леонид Ильични чўлқуварларнинг бош қўмондони, ўзларини эса унинг қўриқ ердаги полкдоши деб атаётганликлари бежиз эмас.

Биз, қозоғистонликлар қисматимиз қўриқ ўлка билан боғланганлигидан бугунги кунда маънавий жиҳатдан ғоятда мамнунмиз. Қўриқ ўлкага биринчи келганлар —ҳали ҳайдалмаган қўриқ ерларнинг дастлабки жангчилари ўлкани бу ерда қадимдан яшаётганлар билан бирга ўзгартира бошладилар. Республика ва бутун мамлакатнинг минг-минглаб ёш меҳнаткашлари бугунги кунда ўшалардан намуна оляптилар эртага ҳам намуна олаверадилар.

Партиянинг иродаси, юрак амри билан сермашаққат ва эртаклардагидек бой қўриқ ерни биринчи бўлиб очганларнинг жасоратини совет халқи ҳеч қачон унутмайди!

Мана 20 йилдирки, қўриқ ер турли миллатларга мансуб минг-минглаб кишиларнинг абадий жонажон ўлкаси бўлиб қолди. Леонид Ильич Брежнев қўриқ ерларни ўзлаштириш тўғрисида гапирганида, ҳамиша қаҳрамонона эпопеянинг интернационал характерини таъкидлайди. Қўриқ ер очиш, дарҳақиқат, Советлар мамлакатидаги барча халқлар бир ёқадан бош чиқариб ишлаганлигининг тимсоли бўлди. Қўриқ ернинг харитаси ўша кишиларнинг меҳнати туфайли ўзининг янги номларида улуғ Ватанимиз харитасини такрорлади.

Бугун улуғ рус халқига — аҳил ва тенг ҳуқуқли Совет оиласида катта оғамиз ва дўстимизга энг самимий миннатдорчилик сўзларимизни айтамиз, дейди нотиқ. Жаҳонга улуғ Ленинни берган рус халқи қўриқ ер достонида ҳам мамлакатимиздаги барча қардош халқлар учун суянган тоғ ва орзу-умид, мардлик, меҳнатсеварлик ва беғаразликнинг, ажойиб қалб ва сезгир юрак саховатининг энг яхши тимсоли бўлиб қолди. Қозоқ халқи улуғ рус халқи билан кўпдан бери абадий ва мустаҳкам дўстлик иплари, ҳақиқий қардошлик иплари туфайли боғлангандир, бу дўстлик ва қардошлик севикли Ватанимизнинг бахт-саодати, барча авлодлар бахт-саодати, коммунизм йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Биз қувончларимизга шерик бўлишдан ташқари олдимизда турган катта амалий вазифаларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев иштирокида муҳокама қилгани Советлар мамлакатидан Қозоғистон диёрига келган ҳамма вакилларни мамнуният билан табриклаймиз.

Д. А. Кунаев доимий саховатли ёрдамлари ва мададлари учун партия, совет ва касаба союз ташкилотларига, Москва, Ленинград, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўрта Осиё, барча қардош республикалар, ўлкалар ва областларнинг меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик изҳор қилди, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда уларга янги-янги катта муваффақиятлар тилади.

Азиз Леонид Ильич, қўриқ ердаги шонли жасоратга бағишланган тантаналарда қатнашаётганлигингиз учун сизга яна бир марта катта раҳмат, дейди нотиқ.

Ўртоқ Д. А. Кунаевнинг нутқи қарсаклар билан неча бор бўлиниб турди.

Тантанали мажлис очиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи ва Қозоғистон ССРнинг Давлат гимнлари янграйди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан, гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилади. Ҳамма ўрнидан туради. Залда қизғин қарсаклар узоқ тинмайди.

# *Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи*

Ҳурматли ўртоқлар!
Азиз чўлқуварлар!
Дўстлар!

Бугун бу ерда, сизларнинг орангизда, қўриқ ерларни очган кишилар орасида бўлиш менга зўр мамнуният бахш этади. (**Қарсаклар**). Партиямиз Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси номидан сизларни ва қўриқ ерлардаги барча кишиларни ана шу катта ва муҳим иш бошланганлигининг 20 йиллиги билан самимий табриклашга ва қутлашга ижозат бергайсизлар. (**Давомли қарсаклар**).

Қўриқ ветеранлари ўша дамларни яхши эслайдилар. Этни жунжитувчи дашт шамоли, бўронлар ва совуқлар, қор устига тикилган чодирлар, далалардаги дастлабки жўяклар ва янги посёлкаларнинг дастлабки кўчалари, кечаю-кундуз иш билан ўтган кунлар, кўпинча бедор ўтган тунлар. Ўшандан бери орадан 20 йил вақт ўтди... Аммо қўриқ ерларнинг дастлабки гектарлари қандай забт этилганлигини ва қўриқ ерларда ғалланинг дастлабки тонналари қандай етиштирилганлигини унутиб бўлмайди. Қалб қўри сарфланган ишларни унутиб бўлмайди. (**Қарсаклар**).

Социалистик Ватанимизнинг тарихини меҳнат аҳиллари яратганлар ва яратмоқдалар. Бу тарихни Днепр ГЭСи ва Магниткани қурганлар, Турксиб ва Қорақум каналини ўтказганлар, Ўзбекистондаги Мирзачўлни яшнаб турган воҳага айлантирганлар, эндиликда Камаз корпусларини барпо этаётганлар ва Тюмень нефтини қазиб чиқазаётганлар яратдилар ва яратмоқдалар. Қаҳрамонона зафарларнинг шонли сафида қўриқни забт этганларнинг меҳнатдаги шижоати муносиб ўрин олади. (**Қарсаклар**).

Қозоғистондаги, Олтой ва Красноярск ўлкаларидаги, Новосибирск ва Омск областларидаги, Поволжье, Урал ва Узоқ Шарқдаги, мамлакатнинг бошқа районларидаги қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги совет халқи бунёдкорлик меҳнати йилномасидаги энг ёрқин саҳифаларнинг бири бўлди. Асрлар бўйи ҳувуллаб ётган ерларда юзлаб совхозлар барпо этилди, саноат корхоналари қурилди, замонавий илмий марказлар тузилди. Бу эса мамлакатнинг шарқида янги катта ғаллакорлик базасини барпо этиш имконинигина бериб қолмай, шу билан бирга катта-катта районларнинг экономикаси, маданияти, бутун қиёфасини тубдан ўзгартириб ҳам юборди.

Рус тилига, Советлар мамлакатидаги бошқа халқларнинг тилларига «целинник» — «чўлқувар» деган янги сўз мустаҳкам ўрнашиб қолди. Бунинг маъноси шуки, азиз чўлқувар ўртоқлар, сизларнинг меҳнатингиз халқ хотирасида абадийлашди. (**Қарсаклар**). Бундан ҳам юксакроқ мукофот йўқ ва, эҳтимол, бўлмаса ҳам керак! (**Давомли қарсаклар**).

Тарихий воқеаларнинг, катта сиёсий қарорларнинг чинакам аҳамияти, одатда дарров, кетма-кет аниқлана бермайди, балки кейинроқ, ниятлар билан олинган натижаларни қиёс қилиш, шу воқеалар ва қарорларнинг турмушнинг бирон-бир соҳасига ўтказган ҳақиқий таъсирини баҳолаш мумкин бўлиб қолганидан кейин аниқланади. Тарихий масофа икир-чикирларни, жузъий нарсаларни унчалик сезилмайдиган қилиб юбориб, шу тариқа бош ва асосий натижани яхшироқ, яққолроқ кўриш имконини беради. Қўриқни ўзлаштиришни назарда тутадиган бўлсак, ўртоқлар, асосий натижа шуки, партия ўртага қўйган муҳим, актуал вазифани коммунистлар, халқимиз муваффақиятли ҳал этдилар. (**Қарсаклар**).

50-йилларнинг бошларидаги вазиятни эсга олайлик. Ўша вақтда ғалла етиштиришнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдираётган эди. Дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 9 центнердан ошмас эди. 1953 йилда 31,1 миллион тонна дон тайёрланди, аҳолини таъминлаш ва давлатнинг бошқа эҳтиёжлари учун эса 32,4 миллион тонна дон сарф қилинди. Давлат резервларининг бир қисмидан фойдаланишга тўғри келди.

Қийинчиликларни бартараф этиш учун жуда кескин чораларни ғоят шошилинч равишда кўриш керак эди. Шундай бир шароитда партия ҳамма қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишга эътиборни пасайтирмаган ҳолда, экинзорларни анча ва тез кенгайтириш вазифасини биринчи ўринга қўйди.

Умуман олганда бу янги проблема эмас эди. Владимир Ильич Ленин бўш ётган ерларни ўзлаштириш зарурлиги ва мумкинлигини неча марталаб таъкидлаган эди. Маълумки, революциядан аввалги Россияда катта-катта территориялар, айниқса, чекка ўлкалардаги территориялар бўш ётар эди. Буржуа тадқиқотчилари бу ерларнинг иқлим шароитлари улардан фойдаланиш имконини бермайди, деб даъво қилар эдилар. Ленин бу даъволарни рад этди. Бу ерлар «...**табиий** хусусиятлари сабабли эмас.., балки техникани турғунликка, аҳолини ҳуқуқсизлик, забунлик, жаҳолат, ночорликка маҳкум этувчи... хўжаликнинг **ижтимоий** хусусиятлари оқибатида» яроқсиз бўлиб ётибди, деб таъкидлади у.

Октябрь революцияси қишлоқ хўжалигининг «ижтимоий хусусиятларини» тубдан ўзгартирди ва шу тариқа янги ерларни ўзлаштириш учун шароит яратди. 1940 йилга келиб бутун экин майдони 1913 йилга нисбатан 32,4 миллион гектар кўпайди. СССРнинг ер запасини ўзлаштиришнинг навбатдаги босқичи 50-йилларнинг ўрталарида бошланди. Айни шу йилларда қўриқ ерларда ғалла етиштириш эҳтиёжи бу тарихий вазифани бажаришнинг реал имконияти билан бирга қўшилди.

Россия Федерациясининг ўлкалари ва областларида, Қозоғистонда, бошқа республикаларда 1953 йилнинг охири — 1954 йилнинг бошларида ўтказилган кенгашлар партиянинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш йўлини коммунистлар маъқуллаётганликларини ва қўллаб қувватлаётганликларини кўрсатди, Шу билан бирга вақтдан ютишга, моддий чиқимларни тезроқ қоплашгагина эътибор бериб қолинмасдан, айни вақтда янги ерларни иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ўзлаштиришнинг муҳимлиги ҳам таъкидланди.

1954 йилда эсингизда бўлса керак, КПСС Марказий Комитетининг февраль-март Пленуми республикалар, ўлкалар, областларнинг таклифларини умумлаштириб, «Мамлакатда дон етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида» қарор қабул қилди. Гарчи қўриқдаги ишлар бундан аввалоқ бошланганлиги маълум бўлсада. Пленум қароридан кейин қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун бошланган жанг кенг жабҳа бўйлаб авж олиб кетди. Бу жангда партия ютиб чиқди. Совет кишилари Марказий Комитетнинг даъватини ўзларининг жонажон, азиз ишлари деб билганликлари учун ҳам партия бу жангда ютиб чиқди. (**Қарсаклар**).

(Давоми 2-бетда).

